


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 1 август, № 150 (5570) Чоршанба









# Автосаноатчиларнинг байрам туҳфаси

**Самарқандда «MAN» катта юк автотранспорт воситалари ишлаб чиқариш заводи ишга туширилди.**



Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Мамлакатимиз автосаноатчилари мустақиллигимизнинг 21 йиллигини муносиб байрам туҳфаси билан кутиб олишмоқда. Гап шундаки, Самарқандда "JV MAN Auto-Uzbekistan" қўшма корхонасининг "MAN" катта юк автотранспорт воситалари ишлаб чиқариш заводи иш бошлади.

Янги заводнинг тантанали очилиш маросимида корхона таъсисчилари — "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси ва Германиянинг "MAN Truck & Bus AG" компанияси мутасаддилари, вилоят ҳокимлиги, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, Президентимиз ташаббуси билан вужудга келган автомобилсозлик саноати жадал суръатларда ривожланаяпти. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган енгил ва юк автомашиналари, автобуслар наинки ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам харидоргирлиги саноат ва унинг экспорт салоҳияти юксалишига хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, 2009 йилда дунёга машҳур "MAN Truck & Bus AG" компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган "JV MAN Auto-Uzbekistan" қўшма корхонаси соҳада янги ёрқин саҳифа очиб берди: Самарқанд автомобиль заводи ҳудудида "MAN" автомобилларини ишлаб чиқаришга киришилди.

Корхонада бир неча босқичда амалга оширилаётган "MAN" автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш комплекси" лойиҳаси, айтиш мумкинки, бу ерда ишлаб чиқариш, сервис хизматлари кўрсатиш кўламини йил сайин кенгайтириш имконини бераяпти. Масалан, лойиҳанинг биринчи босқичи доирасида ўтган йили "JV MAN Auto-Uzbekistan" қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш комплекси қуриб битказилган бўлса, жорий йил аввалида унинг замонавий дилерлик ва сервис маркази ўз фаолиятини бошлади. Энг сўнгги русумдаги техник ва технологик ускуналар билан жиҳозланган мазкур марказда йилига 1500 тадан 4000 тагача йирик юк автомашинаси ва махсус транспорт воситаларига хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд.

"MAN" автозаводи эса лойиҳанинг иккинчи босқичи доирасида бунёд этилган йирик мажмуадир.

(Давоми 2-бетда).

# Натижалар сарҳисоби ва режалар таҳлили

*Жойларда бўлиб ўтган фаоллар йиғилишларида жорий йилнинг биринчи ярмида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда Президентимиз томонидан Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 19 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари ижроси атрофлича муҳокама этилди. Бу ҳақда мухбирларимиз хабар беради.*

## Фаоллар йиғилиши

### ҚАШҚАДАРЁ

Вилоят ҳокими Т. Жўраев бошқарган йиғилишда жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари таҳлил этилиб, ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 103,2 фоизни ташкил этгани таъкидланди. Хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 4,3, хизмат кўрсатиш ҳажми 2,9 фоиз, чакана савдо айланмаси 4,4 фоизга ўсди.

Ҳисобот даврида 22 турдаги саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда ўсиш таъминланиб, 5 турда янги маҳсулот ўзлаштирилгани қайд этилди. Маҳаллийлаштириш дастурига асосан, 20 дан ортиқ лойиҳа бўйича 79,1 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди ва соҳадаги прогноз кўрсаткичлари 109 фоизга уддаланди.

Ўтган даврда иқтисодиётни янада ривожлантириш ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 46 минг 273 та иш ўрни ташкил этилди. Шундан 14 мингтаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келади. Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида эса 23,9 мингта касаначилик иш ўрни янгидан ташкил қилинди.

(Давоми 2-бетда).

## Дунё нигоҳи

*Халқимизнинг энг улуғ, энг азиз айёми — Ўзбекистон Мустақиллигининг 21 йиллиги байрами тобора яқинлашиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори ўрнатилгани ҳолда, давлат тузилмаларининг барқарор фаолият юритиши учун барча зарур шароит яратилди. Ҳаётга татбиқ этилган ислоҳотлар бугун ўз меваларини бераётир. Энди эса янги мақсадларни белгилаб олишдан аввал хулосалар чиқариш ва босиб ўтилган йўлни баҳолаш вақти келди. Шу мақсадда "Жаҳон" ахборот агентлигининг мухбири Франция Сенатидаги "Франция — Марказий Осиё" дўстлик гуруҳи раиси, сенатор Андрэ Дюле билан суҳбатлашди.*

# А. Дюле: «Ўзбекистоннинг буюк келажагига ишонамиз»

Франциялик сенатор мулоқот аввалида Ўзбекистон минг йиллик тарих ва бой анъаналарга эга мамлакат бўлиши баробарида, унинг сиёсий ва демократик институтлари ҳали ёш, зеро, давлат мустақилликка эришганига эндигина 21 йил тўлаётганини қайд этди.

Андрэ Дюленинг фикрича, "Ўз тараққиёти давомида Ўзбекистон мамлакатни модернизациялашга интилгани ҳолда, буюк аждодлардан қолган бой маданий мероси ва асрий қадриятларини ҳам авайлаб-асраб келаётгани эътиборга сазовордир".

— Ҳозирги вақтда бу осон иш эмаслиги ҳаммамизга маълум, — деди у, жумладан. — Таъкидлаш жоизки, юртингиз ижтимоий ҳаётни демократлаштиришда салмоқли муваффақиятларга эришди. 2008 йилда ўлим жазосининг бекор қилиниши, Сенат ва Қонунчилик палатасидан иборат икки палатали парламентнинг жорий этилиши, кўп партиявийлик тизимининг изчил тарзда ривожланиб бораётгани бунга яққол мисол бўла олади. Халқаро даражада эса Ўзбекистоннинг гиёҳванд моддалар ноқонуний савдосига қарши курашдаги иштирокини, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши юзасидан қатъий нуқтаи назари ва мазкур қўшни давлатни тинч йўл билан қайта тиклаш ишига қўшаётган салмоқли ҳиссасини алоҳида ажратиб кўрсатишни истар эдим.

А. Дюле Ўзбекистон ҳали узоқ йўлни босиб ўтиши лозимлигини эътироф этгани ҳолда, мамлакатимиз ўз миллий анъаналарига мос бўлган тўғри йўлдан ҳаракатланаётганини таъкидлади.

Андрэ Дюле 2008 йилда Франция Сенатидаги "Франция — Марказий Осиё" дўстлик гуруҳи вакилларининг Ўзбекистонга сафари чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлигида учрашувлар ўтказилганини ёдга олди. Раис франциялик меҳмонлар сафар доирасида пойтахтимиз ва республикамизнинг турли нуқталаридаги ўқув муассасаларини бориб кўрганликлари, шунингдек, юртимизда баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётган улкан эътибордан ҳайратга тушганликларини ҳам эслаб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

# Билим, салоҳият ва тажриба намойиши

*Азал-азалдан аҳиллик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат маскани бўлиб келган маҳалла истиқлол шарофати билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти сифатида яққол намоён бўлмоқда.*

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Куни кеча якунига етган "Фуқаролар йиғинларининг энг намунавий диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичларида ҳам бу алоҳида сезилиб турди.

Бугун маҳаллаларда фаолият олиб бораётган маслаҳатчилар зиммасига аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида диний ва миллий қадриятларимизни кенг тарғиб қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, хотин-қизлар ижтимоий бандлигини таъминлаш,

(Давоми 2-бетда).

## Ғурур

*Ўзбекистон Бадиий академиясида тасвирий ва амалий санъат йўналишидаги ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган 11 нафар қизнинг ижодий ишларидан иборат "Суратларда Ватаним мадҳи" деб номланган кўргазма ташкил этилди.*

# Тасвирларда юрт тараннуми

Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб, "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" шиори остида ўтказилаётган мазкур кўргазманинг очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Акмал Нуриддинов ва бошқалар мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда хотин-қизларни эъзозлаш,

(Давоми 4-бетда).

# Имкониятлар эшиги очиқ

*Юртимизда ёшлар тарбияси ва уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш масаласига давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилмоқда.*

## «Абитуриент — 2012»

Хусусан, ҳаётга татбиқ этилган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қатор ҳужжатларда навқирон авлодни билимли, ватанпарвар, миллий ҳамда умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтириш, истеъдодини рўёбга чиқариш каби эзгу мақсадлар мужассам. Жумладан, мамлакатимиз ёшларининг ўзлари танлаган олий ўқув юртларига қабул қилинишида тест синовларининг жорий этилгани абитуриентларнинг билим ва имкониятларини адолатли баҳолашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Астойдил тайёргарлик кўрган, тегишли фанларни чуқур ўзлаштирган, ўз кучи ва салоҳиятига ишонган ёшларга омад кулиб боқиши, шубҳасиз.

(Давоми 4-бетда).

# Мамлакатимизда:

## Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Қорақалпоғистон Республикаси

*Тадбиркор Аруҳон Қайипбекова Кегейли тумани марказида болалар кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Жайҳун-Кегейли" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйди.*

#### Тадбиркорлар учун сармоялар

Банкнинг 85 миллион сўмлик кредити эвазига амалга оширилган мазкур лойиҳа туфайли 10 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди.

— Қисқа фурсатда ишлаб чиқарган 160 миллион сўмлик маҳсулотларимиз ўз харидорини топиб улгурди, — дейди тадбиркор. — Қувонарлиси, эндиликда қўшни туманлардан ҳам буюртмалар ола бошладик. Айни пайтда иш кўламини кенгайтириб, қўшимча иш ўринлари яратишни режалаштираяпмиз.

Таъкидлаш ўринлики, жорий йил охиригача Оролбўйида тадбиркорликни ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан 160 миллиард сўмлик кредитлар ажратилиши режалаштирилган.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Бухоро

*Когон саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи битирувчиси Достон Одилов меҳнат ярмаркаси орқали танлаган касб-корига мос иш топди.*

#### Меҳнат ярмаркаси

У "Трубодеталь" корхонасига пайвандчи бўлиб ишга жойлашди.

Бандлик маркази томонидан ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркасида Достон сингари 185 нафар коллеж битирувчиси қатнашди. Уларга Когон ҳамда Бухоро шаҳарларида жойлашган жами 71 корхона ва ташкилот 300 дан зиёд бўш иш ўрнини таклиф этди. Пировардида 158 нафар йигит-қизга ишга жойлашишлари учун йўлланмалар берилиб, уч томонлама шартномалар тузилди. 27 нафар ёшга эса меҳнат қонунчилигига оид ҳуқуқий тушунчалар берилди.

Бундай тадбирлар вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам ўтказилмоқда.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Навоий

*Вилоятда бугунги кунда хорижий инвестициялар иштирокидаги 54 та корхона фаолият кўрсатмоқда.*

#### Қулай муҳит ва юқори даромад

"Велан" қўшма корхонаси — ана шундай ишлаб чиқариш субъектларидан бири. Ҳозир бу ерда туя ва қўй жуни ҳамда пахта толасидан яримтайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Яратилган қулай инвестициявий муҳит туфайли "Велан" ўз фаолиятини йилдан-йилга кенгайтириб бормоқда.

— Корхонамиз 2011 йил давомида 238 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, — дейди корхона раҳбари Зинаида Дементьева, — жорий йилнинг ўтган олти ойида бу кўрсаткич қарийб 330 миллион сўмга етди. Маҳсулотларимизни экспорт ҳам қилаяпмиз.

**А. ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Хоразм

*Урганч шаҳрида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Мунис нон" масъулияти чекланган жамиятида 100 миллион сўмлик маблағ эвазига модернизация тадбирлари амалга оширилди.*

#### Кредитга илғор технологиялар

Эндиликда замонавий технологиялар билан жиҳозланган мазкур корхонада кунига қўшимча 1 тонна, 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш имконияти юзага келди. Шу билан бирга, ўнга яқин иш ўринлари яратилди.

Эътиборли жиҳати, шаҳарда жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 2891 иш ўрни яратилди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

# Маҳаллийлаштириш дастури — амалда

***Маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида 3892,3 миллиард сўмлик ёки 2011 йилнинг шу давридагига нисбатан***

**25,7** **фоиз кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди.**

Ўтган даврда ушбу дастур ижроси доирасида ички ёниш двигателлари, намга чидамли, сигналли-блокировка кабеллари, 6 метр кенгликни қамраб оладиган ер текислагичлар, кристалл роданит натрий, ГРАТ-700 насоси, пайвандлаш флюси, ҳаво ҳароратини бир хилда сақлайдиган мосламаларга эга йўловчи ташиш вагонлари, DSLAM телекоммуникация ускуналари ва ADSL модемлари каби 170 дан ортиқ янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилиши ҳисобига ана шундай ижобий натижа қўлга киритилди.

# А. Дюле: «Ўзбекистоннинг буюк келажагига ишонамиз»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



— Бундай одобли, ақл-заковатли ва ҳар жиҳатдан баркамол ёшлари билан Ўзбекистонни буюк келажак кутаётганини комил ишонч билан айтишим мумкин, — деди сенатор. — Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг халқаро даражадаги обрў-эътибори, кўп жиҳатдан, мамлакатингизнинг бой тарихий ва маданий мероси ҳамда сайёҳлик салоҳияти билан ҳам боғлиқдир. Негаки, бу ерда мавжуд бўлган маданият кўплаб европаликларда катта таассурот қолдираётир. Айтиш жоизки, улар мамлакатингиз Ўрта Осиёнинг барча қадриятларини ўзида жамлаган муштарак маданиятга эга, дея хулоса билдирганларида тўла ҳақдирлар.

Юртимизда тарихий меросни асраб-авайлашга қаратилган чора-тадбирлар хусусида фикр юритар экан, францияլик сенатор қуйидаги мулоҳазаларини ўртоқлашди:

“Французлар тарихий хотирани сақлашга алоҳида эътибор билан ёндашадилар, шу туфайли Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб тарихий-маданий меросни тиклаш борасида амалга оширилаётган ишларни юқори баҳолаймиз. Маданий меросни асраб-авайлаш ва уни дунёга муносиб равишда тақдим этиш юртингизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу эса, табиийки, Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи янада мустаҳкамланишига хизмат қилади”.

Андрэ Дюле, шунингдек, мамлакатимизнинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги ҳамда Ўзбекистондаги қатор шаҳар ва тарихий ёдгорликлар Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилгани диққатга молик эканини билдирди. У Ўзбекистон заминидаги Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари тарихий шаҳарлар ўзбек халқининг миллий ифтихори, бутун инсониятнинг бойлиги ҳисобланишини алоҳида таъкидлади. Шу билан бирга, ўзбек халқининг самимияти ва меҳмондўстлик сингари фазилатлари мамлакатимиз учун “ташрифнома” сифатида хизмат қилгани ҳолда, узоқ вақт давомида европалик сайёҳларнинг ёдида қолишини қайд этди.

— Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан ўзбек халқига тинчлик, фаровонлик ва янада равнақ тилайман, — деди у суҳбат якунида. — Яна шуни таъкидлашни истардимки, Франция Ўзбекистон билан дўстона муносабатларни ҳар томонлама ривожлантиргани ҳолда, дунё сиёсий харитасида муҳим геостратегик ўрин тутадиган мамлакатингиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшажак. Биз Ўзбекистоннинг буюк келажагига, албатта, ишонамиз.

**«Жаҳон» АА.**
Париж

■ Яхши хабар

*Бахт шаҳрида “Бахт текс фарм” корхонасининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. Мазкур лойиҳа банкнинг 11,4 миллион АҚШ долларилик кредити эвазига рўёбга чиқарилмоқда.*

# Хорижга ҳам сотилади

Корхона тўлиқ қувватга эришгач, бу ерда йилига 2520 тонна калава ип, 3000 тонна момиқ ва 3 миллион погон метр тиббий мато ишлаб чиқарилади. Ҳозир 272 киши меҳнат қилаётган корхонада ойига 2,5 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланиб, ички бозорга чиқарилмоқда. Тез орада “Бахт текс фарм” жамоаси ўз маҳсулотларини хорижга сотишни ҳам мўлжалламоқда.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Фидойилик, ташаббускорлик

## ёшларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашида муҳим аҳамиятга эга

*Бугунги кунда ёшларни она-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, улар қалбида мамлакат тараққиётига дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, энг муҳими, йигит-қизларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш долзарб аҳамиятга эга. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, ўсиб келаётган ёш авлод истиқлолимиз тарихини чуқур ўрганиши, бундай кунларга осонлик билан эришилмаганини тушуниб, англаб етиши зарур.*

■ Маҳаллий Кенгашларда

Албатта, ёш авлодни баркамол вояга етказиш барчамиздан, хусусан, ҳудудлардаги доимий комиссия аъзоларидан ҳам юксак масъулият талаб этади. Ана шуни ҳис қилган ҳолда жойларда вилоят хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла, таълим муассасаси ва оила ҳамкорлигида ўтказилаётган турли учрашувлар, мулоқотларда айнан шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шубҳасиз, жорий йилнинг Юртбошимиз томонидан “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши, аввало, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашида, оила институтининг ижтимоий ҳаётимизда мустаҳкам қарор топиши, энг асосийси, келажагимизнинг янада порлоқ бўлишини таъминлашда ўзига хос воқелик бўлди.

Бинобарин, бу фаолиятимиз кўламини янада кенгайтиришга замин яратди. Хусусан, ҳар бир оилага кириб бориш, аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш, тадбиркорликни муттасил равнақ топтириш, хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш ва бунёдкорлик ишларини юқори поғонага кўтариш доимий комиссия аъзоларининг пировард мақсадига айланган. Зотан, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида ҳам мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни янги босқичга кўтариш қатъий белгилаб қўйилган.

Жумладан, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларга зарур кўмак бериш, аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган йигит-қизларга ёрдам кўрсатиш борасида ҳам тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Айни чоғда ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис жойларда вилоят хотин-қизлар қўмитаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда ўрта махсус ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, айниқса, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида муайян чора-тадбирлар олиб борилаётир.

Чунончи, Андижон шаҳри, Андижон ва Жалолқудуқ туманларида жорий йилнинг ўтган даврида 15 нафар йигит-қиз маҳаллий Кенгаш депутатлари кўмагида имтиёзли кредит олиб, ўз фаолиятини бошлади. Масалан, шу тадбиркорлардан бири Наргиза Мирзаолимова бугунги кунда 20 нафар ёшга миллий ҳунармандчилик сирларини ўргатаётган бўлса, Андижон туманидаги иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ташкил этилган тикувчилик цехида 12 нафар йигит-қиз иш билан банд.

Бундан ташқари, вилоятимизда доимий комиссиямиз томонидан давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси ҳам жиддий назоратга олинган. Яқинда мазкур ҳужжатнинг бажарилиши Андижон, Асака, Марҳамат, Избоскан ва Пахтаобод туманларидаги касб-ҳунар коллежлари мисолида ўрганилганида, бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш лозимлиги маълум бўлди. Эътибор қаратилган масалалар доимий комиссия йиғилишида ўрганилиб, масъул идораларга тегишли тавсиялар берилди.

Айтиш жоизки, бугун ёшларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги жамиятнинг барча бўғинларида кузатилаётгани қувонарлидир. Бунда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши ҳамда таълим муассасалари билан ҳамкорликда ўтказилаётган турли тадбирлар, кўрик-танловларнинг роли катта бўлмоқда, албатта. Масалан, аёллар ва болалар спортини ривожлантириш, қишлоқ жойларидаги спорт майдонлари, секциялари фаолиятини жонлантиришга кўмаклашиш борасида олиб борилаётган ишларимиз хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш асносида оилаларда соғлом турмуш тарзи тамойилларини чуқур қарор топтиришда айни муддао бўлаётир.

Хулоса ўрнида айтганда, бугун ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар кўламини янада кенгайтириш, жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодни тарбиялаш, бунда жойлардаги маҳаллий Кенгашлар фаоллигини янада ошириш айни заруратдир. Зеро, ҳаётда ўз йўлини излаётган фарзандларимизга камарбаста бўлиш, уларнинг онгу тафаккурини четдан кириб келаётган ёт ғоялардан асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Акбар НАЗАРОВ,**
**халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси раиси.**

# Билим, салоҳият ва тажриба намойиши

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

маҳалладаги намунали оилалар ва ижтимоий фаол фуқаролар билан ишлашнинг самарали шаклларидан фойдаланиш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш каби муҳим вазифалар юклатилган. Бу улардан чуқур билим, катта ҳаётий тажрибани талаб этади. Кўрик-танловнинг Қашқадарё вилояти босқичида ана шундай билим ва тажрибага эга бўлган 14 нафар маслаҳатчи ўзаро баҳсга киришди. Улар иш жараёнлари билан боғлиқ ҳужжатлар, альбом, буклет ва плакатлар воситасида ўз фаолиятларини очиб беришди. Ҳудудларнинг ўзига хос турмуш тарзи ва маданияти ҳам акс эттирилди.

— Миллий-диний анъана ва урф-одатларни асраб-авайлаш, хотин-қизлар, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш фуқаролар йиғинлари маслаҳатчиларидан юксак малака талаб этади, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Қашқадарё вилояти бўлими бош мутахассиси Юлдуз Равшанова. — Бир неча йилдан буён ўтказиб келинаётган фуқаролар йиғинларининг энг намунавий диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси кўрик-танлови нафақат иқтидорли маслаҳатчиларни аниқлаш, балки уларнинг илғор иш услубини кенг оммалаштиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Қизғин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган танловда Шаҳрисабз туманидаги “Сариосиё” маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Тамара Орипова биринчи ўринни қўлга киритиб, танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Кўрик-танловнинг Сурхондарё вилояти босқичида воҳадаги фуқаролар йиғинларида фаолият юритаётган 680 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи орасидан сараланган 14 иштирокчи қатнашди. Улар томонидан намойиш этилган одам савдосига қарши курашиш, ёшларни ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишдан асраш каби мавзулардаги саҳна кўринишлари кўпчиликда илиқ таассурот қолдирди.

Танлов якунида Шўрчи туманидаги “Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Санобар Эргашева ғолибликни қўлга киритиб, республика босқичига йўлланма олди.

— Мамлакатимизда биз, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга бўлган эътибор жудаям юқори, — дейди у. — Давлатимиз раҳбарининг яқинда эълон қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бунинг яққол тасдиғидир. Кўрик-танлов ҳақида гапирадиган бўлсам, бу ерда вилоятимиздаги фуқаролар йиғинлари маслаҳатчиларининг илғор иш тажрибасини ўргандик. Бу фаолиятимизни янада кучайтиришда қўл келади, албатта.

Бугунги кунда Андижон вилоятидаги 966 та фуқаролар йиғинида 866 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи фаолият олиб бормоқда. Улар ўз ҳудудларида истиқомат қилувчи фуқароларнинг мақсад ва муддаолари, орзу-интилишларига ошно бўлиш баробарида, муаммо ва камчиликларни ҳамжиҳатлик билан бартараф этишга кўмаклашиб келишмоқда. Тўй-маъракалар ва турли тадбирларда ҳам улар бош-қош бўлмоқдалар.

— 2004 йилдан буён шу вазифада ишлаб келаяпман, — дейди кўрик-танлов ғолиби, Олтинкўл туманидаги “Миробод” маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Минурахон Маллаева. — Ҳудудимизда 3055 нафар аҳоли истиқомат қилади. Доимо уларнинг қувончу ташвишларига шерикмиз. Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли оилалар ўртасида ажралишлар барҳам топди. Тадбиркорлик, касаначилик ривожланмоқда. Бугунги кунда уй меҳнати билан шуғулланаётган аёллар сони 128 нафарга етганлиги ҳам ана шундан далолат бериб турибди.

Ғолибларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Шундай қилиб, “Фуқаролар йиғинларининг энг намунавий диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси” кўрик-танловининг вилоят босқичлари ўз якунига етди. Ғолибликни қўлга киритган 14 нафар маслаҳатчи танловнинг Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги олдидан ўтказиладиган республика босқичида яна бир бор ўз билим ва тажрибасини синовдан ўтказади.

**«Халқ сўзи» мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.**



# Автосаноатчиларнинг байрам туҳфаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ушбу заводнинг ишга туширилиши Ўзбекистон автомобилсозлик саноати салоҳияти юксалиб бораётгани, қулай инвестициявий муҳит яратилгани, энг асосийси, давлатингиз томонидан соҳа ривожига қаратилаётган эътибор самарасидир, — дейди “MAN Truck & Bus AG” директорлар кенгаши аъзоси Франк Хиллер. — Янги завод “MAN”ни харидорларига янада яқинлаштиради. Ишончим комилки, ҳамкорлигимиз бундан кейин ҳам ривожланиб, яна кўплаб қўшма лойиҳалар рўёбга чиқарилади.

Корхонанинг ҳозирги қуввати йилига 5 мингта юк машинаси ишлаб чиқариш имконини беради. Унинг иккинчи йиғув линияси ишга туширилгач, мазкур кўрсаткич 10 мингтага етказилади. Яна бир эътиборли жиҳати, мингдан ортиқ қўшимча иш ўринлари очилади.

Тадбир давомида иштирокчилар заводда амалга оширилган кенг кўламдаги қурилиш ва жиҳозлаш ишлари, ишчи-хизматчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Маросимда Самарқанд вилояти ҳокими З. Мирзаев иштирок этди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Замонавий линия ишга туширилди

*Узун туманида жорий йилнинг биринчи ярмида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган 6 та лойиҳа амалга оширилди.*

■ Интилиш

Ушбу мақсадлар учун 1 миллиард 840 миллион сўмлик сармоя йўналтирилди.

“Миржалол Файз” хусусий корхонасида ҳам йилига 60 тонна макарон маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга замонавий технологик линия ишга туширилди. Бунинг учун тадбиркор Хурсаной Қурбонова томонидан 50 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

— Эндиликда ички бозорни ўрганган ҳолда фаолиятимизни кенгайтириш юзасидан изланишлар олиб бораяпмиз, — дейди тадбиркор. — Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз турини кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилаш орқали мижозларимиз сафини кенгайтирмоқчимиз.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Натижалар сарҳисоби ва режалар таҳлили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Йиғилишда ижобий натижалар билан бирга, айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилгани қайд этилди. Бу борадаги муаммоларни бартараф қилиш, хусусан, вилоятда ишбилармонлик муҳитини равнақ топтириш, қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича комплекс дастурларни амалга ошириш, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш даврига тайёрлаш ва бошқа масалалар бўйича долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ. Ибрагимов сўзга чиқди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## САМАРҚАНД

Вилоят фаоллари йиғилишини вилоят ҳокими З. Мирзаев олиб борди.

Таъкидланганидек, вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10,6 фоизга, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,3, қурилиш-пудрат ишлари 17,2, чакана савдо айланмаси 15,1, жами хизматлар 14,5 ва пуллик хизматлар ҳажми 16,9 фоизга ўсди.

Тармоқ ва корхоналарни модернизациялаш ҳамда технологик қайта жиҳозлаш мақсадида 359,6 миллиард сўмлик инвестиция ўзлаштирилди. Саноат соҳасининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 13,1 фоизни ташкил этди. Аҳоли жон бошига истеъмол моллари ишлаб чиқариш 232,8 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилдагига нисбатан 30,3 минг сўмга ошди.

Ҳисобот даврида ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши 70,6 фоизни ташкил қилгани қайд этилди. Шунингдек, ўтган 6 ойда тасдиқланган дастурлар доирасида қишлоқ жойларда 80 та чакана савдо, 7 та умумий овқатланиш, 176 та маиший хизмат кўрсатиш объектлари ишга туширилди. Бундай тадбирлар ялпи ҳудудий маҳсулотда хизматлар соҳаси салмоғини 54,8 фоизга етказиш имконини берди.

Бандлик дастури ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 51 минг иш ўрни яратилди.

Йиғилишда эришилган ютуқлар билан бир қаторда, айрим соҳаларда йўл қўйилаётган камчиликларга ҳам эътибор қаратилди. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқулов сўзга чиқди.

**М. НАЖИМОВ.**

## ХОРАЗМ

Вилоят фаоллари йиғилишида вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи П. Бобожонов кун тартибидаги масала бўйича маъруза қилди.

Қайд этилганидек, жорий йилнинг биринчи ярмида вилоят иқтисодиёти тармоқларида бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Хусусан, ялпи ҳудудий маҳсулот 10,7, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 12,1, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш 3,8, қурилиш ишлари 11,8, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 14, чакана товар айланмаси 10,5 фоизга ўсди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан 111,5 миллиард сўм кредит маблағи ажратилди.

Вилоятда аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига кўра, 30,6 мингта, шу жумладан, қишлоқ жойларда 25,2 мингта иш ўрни яратилди.

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури ижроси доирасида белгилаб берилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан 45 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Йиғилишда эришилган ютуқлар билан бирга, айрим соҳаларда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар ҳам айтиб ўтилди. Жумладан, вилоятнинг 22 та асосий саноат корхонасидан 6 тасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан камайгани танқид қилинди. Шунингдек, 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури параметрларини сўзсиз бажариш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига пухта тайёрлаш масалалари ҳам атрофлича таҳлил қилинди.

Йиғилишда бу борадаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Вилоят фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Зокиров сўзга чиқди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## АНДИЖОН

Вилоят ҳокими А. Усмонов бошқарган йиғилишда жорий йилнинг биринчи ярмида вилоят иқтисодиёти барқарор суръатда ўсиши таъминланганлиги, жумладан, ялпи ҳудудий маҳсулот 7,2 фоизга ўсгани алоҳида таъкидланди. Шунингдек, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,7, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 5,7, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,9, чакана савдо айланмаси 10,4 фоизга ўсди. Экспорт ҳажми 140,8 фоизни ташкил қилди.

Ҳисобот даврида вилоятда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, оилавий бизнесга кенг йўл очиш, хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилаётгани қайд этилди. Натижада ўтган давр мобайнида 1385 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил қилинди. Ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредит ҳамда микрокредитлар миқдори 1,4 мартага ортди.

Вилоятда Бандлик дастури ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 41 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди. Шунингдек, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 170 дан ортиқ янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Йиғилишда қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш, кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, аҳоли учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ғамлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳам таҳлил этилди. Бу борада йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф қилиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқулов иштирок этди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Мушоҳада

*Электр энергияси ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи манбалардан фойдаланишни бугун замоннинг ўзи талаб талаб этаяпти. Чунки ўтган асрнинг охирларида инсониятнинг иқтисодий тараққиёт мақсадида органик ёқилғи турларидан ҳаддан зиёд кўп фойдаланиши натижасида ҳавога кўтарилаётган зарарли газлар миқдори ортиб, атроф-муҳитга жиддий салбий таъсир кўрсата бошлади. Бу жараён XXI асрда ҳам давом этаётгани ачинарлидир. Айни пайтда дунё миқёсида табиий ёқилғига бўлган эҳтиёж йилига 12 миллиард тоннани ташкил этаётгани, киши бошига ҳисоблаганда эса бу қарийб 1,8 тоннага тўғри келаётгани фикримиз тасдиғидир. Қолаверса, углеводород ёқилғиси нархининг тобора қимматлашиб бораётгани муқобил энергиянинг янги манбалари ҳақида чуқурроқ ўйлашга мажбур қилмоқда.*

# Муқобил энергия

## манбаларига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда





### Ҳам самарали, ҳам фойдали усул

Жаҳон ҳамжамияти, шу жумладан, эколог олим ва мутахассислар муқобил энергиядан фойдаланиш иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғини ривожлантирувчи тежамкор ва самарали усул эканлигини ботбот эътироф этишаяпти. Кўплаб учрашувларда, халқаро конференцияларда, илмий анжуманларда бу мавзуга қайта-қайта мурожаат қилинаяпти. Кейинги йилларда Европа минтақаси ҳудудидаги мамлакатларда ўрнатилган фотоэлектрик станцияларнинг умумий қуввати сезиларли даражада ортганининг боиси шунда. Шунингдек, айни пайтда АҚШда қуёш коллекторларининг умумий майдони 15 миллион квадрат метрга, Японияда 12 миллион квадрат метрга етказилди. Исроилда эса истеъмол қилинадиган иссиқ сувнинг 75 фоизи қуёшдан қувват олувчи бир миллионга яқин қурилма ёрдамида ҳосил қилинади.

Мутахассисларнинг фикрича, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишда уларнинг бошланғич қурилишида кўп маблағ сарфланса-да, кейинчалик иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди. Яъни у энергетика мустақиллигини сақлаш, иқтисодиётда энергия таъминотини яхшилаш, экологияни асраш, қисқача айтганда, мамлакатнинг барқарор ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

### Салоҳияти юқори

Ўзбекистон — қуёшли мамлакат. Деярли барча фасл, аниқроғи, йилнинг 300 дан ортиқ кунида қуёш бизнинг заминимиз узра ўзининг заррин нурларини сочиб туради. Қолаверса, юртимиз ҳудудида шамол йўллари ҳам мавжуд. Мазкур икки манба бизда муқобил энергиядан фойдаланиш имкониятлари жуда кенг эканлигини англатади.

Маълумки, республикамиз иқтисодиётида нефть-газ тармоғининг ўзига хос ўрни бор. Яъни мамлакатимиз ёқилғи-энергетикасининг 97 фоизи нефть ва газ саноати ҳиссасига тўғри келади. Бунда кўмирнинг улуши 2,3 фоиз, сув энергетикасининг ҳиссаси эса 0,7 фоизни ташкил қилади. Аммо шу билан бирга, юртимизда қайта тикланувчи энергия манбаларининг салоҳияти ҳам жуда юқори — 51 миллиард тонна нефть эквивалентига тенг. Мавжуд технологиялар ёрдамида эса 179 миллион тонна нефть эквивалентига тенг муқобил энергия ишлаб чиқариш мумкин. Бу, ўз навбатида, мутахассисларни изланишга чорламоқда.

Масалан, Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан бир неча йиллардан буён Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда муқобил энергия, томчилатиб суғориш, қишлоқ хўжалиги техникаларида метан газини қўллаш сингари қатор лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда.

Шундай тажрибалардан бири — Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги "Мулла Саидқул" фермер хўжалигида синаб кўрилди. Гап шундаки, Ўзбекистон Экологик ҳаракати ташаббуси билан Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди гранти асосида 2009/2011 йиллар мобайнида ушбу хўжаликда шамол генератори ҳамда қуёш станцияси коллектори ўрнатилди. Хўш, бу амалда қандай натижа берди? Фермер Маҳмуджон Саидқуловнинг айтишича, хўжаликда муқобил энергия ишлаб чиқарувчи ускуналарнинг ўрнатилиши экинларни суғориш билан бирга, қўшимча ерларни ўзлаштиришга ҳам замин яратмоқда.

Дарҳақиқат, бугун фермер хўжалигининг 40 гектар майдонида хандон писта кўчатлари баравж ўсмоқда. Мевали дарахтларнинг олди ҳосилга кирган. Уч гектарлик боғда эса томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган.

Лойиҳа объекти сифатида айнан Фориш тумани танланганининг ҳам муайян сабаблари бор, албатта. Ҳудуди салкам бир миллион гектар майдонни эгаллаган ушбу туманда ҳозир лалми ғаллачиликка ихтисослаштирилган 112 фермер хўжалиги фаолият юритади. 40 га яқин фермер хўжалиги эса боғдорчилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Туман ерлари, асосан, тоғ ва яйловлардан иборатлигини инобатга олсак, бу ерда экинларни суғоришда муқобил энергия манбаларини изчил жорий қилиш айни муддаодир. Шуниси эътиборлики, "Мулла Саидқул" фермер хўжалигидаги тажриба нафақат Жиззах, балки бошқа вилоятлар мулкдорларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Шу боис улар хўжалик негизида ташкил этилган "Кўргазмали дала ўқув маркази"да тез-тез йиғилиб, ўзаро тажриба алмашадилар.

### Мақсад – амалий ишларни жадаллаштириш

Айни пайтда ривожланиш маҳсули ҳисобланмиш энг сўнгги янгилик ва технологиялар кириб бормаган соҳа ёки тармоқ қолмади ҳисоб. Бу иқтисодиётда самарадорликни ошириш, табиий захиралардан унумли фойдаланиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётгани янада эътиборга сазовор. "Навоийазот" акциядорлик жамиятида Жанубий кореялик ҳамкорлар иштирокида қуёш энергияси ускуналарини тайёрлашда асосий хом ашё — кремний ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун бунёдкорлик ишлари олиб борилаётгани, яқинда пойтахтимизда Осиё тараққиёт банки кўмагида Қуёш энергияси халқаро институти ўз фаолиятини бошлагани бу борадаги ишларни янада ривожлантириш имконини беради, албатта.

Бугун қайта тикланувчи энегия манбаларини мамлакат энергия балансига жалб этиш, қишлоқ жойларда электр таъминотини янада яхшилаш, атроф-муҳитга зарарли ташламалар чиқарилишини қисқартириш мақсадида ушбу йўналишда зарур ҳуқуқий-меъёрий пойдевор ва ташкилий шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилаяпти. Бу эса соҳада янги босқич бошланаётганидан далолатдир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ.**

● Реклама ва эълонлар ●

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**
***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Урганч тумани СИБ томонидан, ФИБ Урганч туманлараро судининг 2011 йил 20 декабрдаги 10929-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Урганч тумани, Ғойбу қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1152,83 кв.м., фойдали майдони 570,01 кв.м. бўлган маиший бино ва бостирма такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 249 375 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 17 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 15 август куни соат 18.00.

Юқоридаги мулк 2012 йил 17 августдаги савдода сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2012 йил 4 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 31 август куни соат 18.00.

**II.** Аукцион савдосига Қўшкўпир тумани СИБ томонидан, Хоразм вилояти хўжалик судининг 2010 йил 24 декабрдаги 22-010 02/12235-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ғозовот консерва» ишлаб чиқариш ва тижорат фирмасига қарашли, Қўшкўпир тумани, Ғозовот қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 8026,8 кв.м., қурилиш ости ер майдони 1633,13 кв.м. бўлган цех биноси ердан фойдаланиш ҳуқуқи билан бирга қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 333 443 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 4 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 2 сентябрь соат 18.00.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг Хоразм вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609036, АТИБ «Ипотека-банк»и, «Тинчлик» филиали, МФО: 00580, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Урганч ш., Й. Бобожонов к., 23-уй. Тел.: (8-362) 226-43-64. Факс: (8-362) 226-32-63. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

1243R/1441

*Лицензия: RR-0001.*

**«Навоий машинасозлик заводи» ИЧБ**
**омборида мавжуд бўлган қуйидаги дастгоҳларни сотади:**



**3Н340** русумли икки томонлама чархлаш-силлиқлаш дастгоҳи

**21Н16** русумли махсус столли-пармалаш дастгоҳи



*Тўлов шакли — турлича.*

**«НМЗ» ИЧБ, 210100, Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 2-уй. Телефонлар: (+99879) 227-64-12, 223-06-76, 223-39-75. Факс: (+99879) 223-48-78. E-mail: infonmz@ngmk.uz**

*Маҳсулот сертификатланган.*

919R/215

**«Навоий машинасозлик заводи» ИЧБ**
**омборида мавжуд бўлган қамраш кенглиги ўзгарадиган ва таянч ғилдиракли осма**
**IQOP 3(4)-45**
**ПЛУГларни**



**сотади.**

*Тўлов шакли — турлича.*

**«НМЗ» ИЧБ, 210100, Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 2-уй. Телефонлар: (+99879) 227-64-12, 223-06-76, 223-39-75. Факс: (+99879) 223-48-78. E-mail: infonmz@ngmk.uz**

*Маҳсулот сертификатланган.*

919R/215

**«CHINOZ BALIQLARGA OMIXTA YEM TAYYORLASH KORXONASI» МЧЖ**

***сифатли хом ашёдан балиқлар ва қорамоллар учун ҳар бир хўжаликка алоҳида мос келувчи рецепт асосида оқсилга бой донадор омихта ем ишлаб чиқаради.***

*Хўжаликдаги балиқ, қорамол ҳамда паррандани тўлиқ рационли, донадор омихта ем билан боқиш олинадиган маҳсулот ҳажмини 25 — 30% оширади, емлаш муддатини, маҳсулот бирлигига сарфланадиган харажатни, маҳсулот таннархини қисқартиради, қилинган меҳнат самарадорлигини, маҳсулот сифатини оширади.*

**Бизнинг манзил: Тошкент вилояти, Чиноз тумани, «Гулзообод» ҚФЙ.**
**Телефонлар: (+99893) 577-86-94, (+99894) 660-48-28, (+99871) 215-51-52. Факс: (+99871) 233-18-12.**

1234A/914

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.**
***(ҚҚС билан)***



**«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича** Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

*Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.*
*Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.*

**Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.**

*2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.*

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**

Сертификатланган
**SUVMASH**
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ISO 9001:2008

**НАСОСЛАР**
тайёрлайди ва таъмирлайди



"ЭЦВ" РУСУМЛИ ҚУДУҚҚА МЎЛЖАЛЛАНГАН
"Д" РУСУМЛИ ЁТИҚ
"К" РУСУМЛИ ТАГЛИККА ЎРНАТИЛГАН
"НК" НЕФТЬ НАСОСЛАРИ
НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ
шунингдек, уларнинг эҳтиёт қисмлари.

**Ўзбекистон Республикаси, 100182, Тошкент ш., Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 13.**
**Тел.: (+99871) 295-13-00, 295-06-35, 295-06-37, 295-19-08. Факс: (+99871) 295-51-08.**
E-mail: office@suvmash.uz; suvmash@mail.ru sales@suvmash.uz www.suvmash.uz

622R/460

Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси Логистика кафедраси профессори **Шерзод Ачилович БЎТАЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" акциядорлик лизинг компанияси жамоаси "Ўзмашлизинг" шўъба корхонасининг бош бухгалтери Илҳом Абраевга падари бузруквори **Тоштемир ота АБРАЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси Психиатрия, наркология ва болалар психиатрияси, тиббий психология, психотерапия кафедрасининг ассистенти Одил Хайруллаевга фарзанди **САРВАРнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

# Имкониятлар эшиги очиқ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу кунларда эса институт, университет талабаси бўлиш орзусида тест синовларига ошиққан йигит-қизлар қалбида ҳаяжонли дамлар кечмоқда. Зеро, бугун бўлиб ўтадиган олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари ёшларнинг билим ва тафаккурини чинакамига синовдан ўтказади.

Хабарингиз бор, Президентимизнинг "2012/2013 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги қарорида олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилиш квотаси белгилаб берилган. Жумладан, 2012/2013 ўқув йилида бакалавр таълим йўналишига 56 607 нафар ўғил-қиз қабул қилинса, уларнинг 19 340 нафари давлат грантида ва 37 267 нафари шартнома бўйича таҳсил олиши белгиланган.

Олий таълим муассасаларига 6300 нафар магистр, шундан 1 566 нафари давлат гранти, 4 734 нафари эса тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиниши белгиланган.

Тошкент кимё-технология институти (Қўнғирот бўлими)нинг махсус сиртқи бўлимига давлат гранти бўйича 65 нафар ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус сиртқи бўлимига 50 нафар талаба, шу жумладан, 15 нафари давлат гранти, 35 нафари шартнома асосида қабул қилинади.

Тест синовларини ташкил этиш ва белгиланган тартибда ўтказиш учун зарур ташкилий ҳамда амалий ишлар бажарилди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда тест синовлари ўтказиладиган бино ва аудиториялар белгиланган талаблар асосида ҳозирланди. Давлат тест марказининг вакиллари ҳамда вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар томонидан тавсия этилган аудитория раҳбарлари, шунингдек, кузатувчилар рўйхати шакллантирилди. Шу билан бирга, олий таълим муассасалари қабул комиссиялари билан ҳамкорликда Давлат тест маркази вакиллари ҳамда аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларининг вазифалари, уларнинг тест синовлари давомида бажарадиган ишларига оид тарқатма материаллар тайёрланди.

Олий таълим муассасаларига ҳужжат топширган абитуриентлар учун ўтган йиллардаги имтиёзлар сақланиб қолган. Хусусан, халқаро ва республика фан олимпиадалари ёки танловларида совринли ўринларни эгаллаган ҳамда ғолиб бўлган йўналишлари бўйича ҳужжат топширишлари белгиланган абитуриентлар олий таълим муассасаларига танловсиз қабул қилинади. Бундан ташқари, олий таълим муассасаларига имтиёзли кириш имконияти белгиланган турли танлов ва спорт мусобақалари ғолиблари учун ҳам тартиб ўзгармаган. Шунингдек, тест ўтказиш жараёни билан боғлиқ ўзгаришлар ҳам йўқ. Одатдагидек, абитуриентларга учта фандан жами 108 та тест саволи тақдим этилади. Ҳар бир саволда тўртта жавоб варианти кўрсатилган бўлиб, улар орасидан биттасини танлаш лозим.

Президентимизнинг шу йил 31 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшларнинг олий ўқув юртларига кириб ўқишлари учун амалдаги имтиёзлар янада такомиллаштирилдики, бу уларнинг жамиятда муносиб ўрин топишларида мустаҳкам асос бўлиши, шубҳасиз.

Масалан, ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган фуқароларга мамлакатимиз олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл бериш тизими мавжуд эди. Эндиликда ана шу имтиёз 27 фоиз қилиб белгиланди. Бундан ташқари, имтиёзлар бўйича белгиланган қўшимча балларни ҳисобга олган ҳолда танловдан ўта олмаган абитуриентлар мамлакатимиздаги бошқа олий ўқув юртларига қабул қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат этишса, у тест синовлари тугагандан кейин 10 кун мобайнида олий таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Бунда абитуриент танлаган бошқа олий ўқув юртларига қабул қилиш тасдиқланган умумий қабул квотаси доирасида, имтиёзлар бўйича белгиланган қўшимча баллни ҳисобга олган ҳолда, фанлар бўйича топширилган тест синовлари фанлар тўплами (блоки) ва абитуриент томонидан тўпланган балларга мувофиқ, таълим йўналишлари бўйича Давлат комиссиясининг қарорига биноан амалга оширилиши белгиланган.

Бугун мамлакатимиз ёшларига ҳар қанча ҳавас қилса, арзийди. Зеро, истиқлол нуридан мунаввар Ватанимизда Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлоднинг муносиб билим олиши учун кенг имконият ва шарт-шароитлар яратиб берилган. Табиийки, бундай ғамхўрлик уларнинг мустақил ҳаётда ўзларининг муносиб ўринларини топишларида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

## Олимпиада кундалиги

### Рекорд олтин дегани эмас

***Оғир атлетика бўйича мусобақаларда иштирок этган КХДР вакили Ким Ун Гук янги жаҳон рекордини ўрнатди.***

62 килограмм вазн тоифасида ўз имкониятини синаб кўрган спортчи даст кўтаришда 153, силтаб кўтаришда эса 174 кг. натижа қайд этди. Умумий ҳисобда 327 килограммни бўйсундирган Ким Ун Гук Олимпиаданинг олтин медали билан тақдирланди. Эътиборлиси, унинг даст кўтаришда эришган муваффақияти Олимпиада рекорди ҳисобланади.

Ушбу вазн тоифасида медаллар учун кураш олиб борган колумбиялик атлет Оскар Альбейро Фигуероа Москера силтаб кўтариш баҳсларида 177 кг. оғирликни бўйсундириб, Олимпиада рекордини янгилади. Аммо у даст кўтаришда пастроқ натижа кўрсатгани учун кумуш медаль билан чекланди.

### Боксчимизнинг ажойиб ғалабаси

***Кеча бокс бўйича 64 килограмм вазн тоифасида баҳсларни бошлаган ҳамюртимиз Ўктамжон Раҳмонов илк жангини муваффақият билан якунлади.***

Эквадорлик Андерсон Рожас Минага қарши кечган беллашувда спортчимиз тўлиқ устунлик қилди. Ҳатто сўнгги раундда рақибини нокдаун ҳолатига ҳам туширди. Якунда Ўктамжон 16:10 ҳисобида ғалаба қозониб, кейинги босқичга йўл олди.

### Эътирози ўринсиз қолди



***Жанубий Корея вакиласи Шин А Лам қиличбозлик (шпага) баҳсларида ярим финалда немис спортчиси Бритти Хайдеманнга имкониятни бой берди.***

Мағлубиятдан жаҳли чиққан Осиё вакили беллашувдан кейин ўз эътирозини билдирди. Унинг фикрича, баҳс чоғида у рақибига бир неча бор аниқ зарба берган, аммо очкони ҳисоблайдиган техника яхши ишламагани учун улар инобатга олинмаган. Спортчининг эътирозини ўрганиб чиққан апелляция комиссияси Шин А Ламнинг талабини қаноатлантирмади ва Бритти Хайдеманни, ғолиб деб топди.

Бундан кайфияти тушиб кетган Шин бронза медали учун кечган баҳсда ҳам имкониятни бой берди.

### Яшавор, Рута!

***Юз метрга брасс усулида сузиш баҳсларида Литва шарафини ҳимоя қилган 15 ёшли Рута Мейлютите "Олимпиада ўйинлари чемпиони" деган шарафли номга сазовор бўлди.***

Бу ёшда шундай юксак маррага эришиш ҳар бир спортчининг орзусидир. Қолаверса, Рута ушбу муваффақияти билан терма жамоасига биринчи олтин медални ҳам туҳфа этди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**


● Реклама ва эълонлар ●

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

2012/2013 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА
**МАГИСТРАТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

- *банк иши;*
- *банк ҳисоби ва аудит;*
- *инвестицияларни бошқариш (банк сектори учун);*
- *инвестицияларни бошқариш (реал сектор учун);*
- *давлат молиясини бошқариш;*
- *пенсия иши;*
- *суғурта иши;*
- *корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори;*
- *молия аудити;*
- *солиқлар ва солиққа тортиш.*

Академияга тингловчилар олий таълим муассасасини тугатгандан сўнг республика банк-молия, солиқ ҳамда тегишли вазирлик идора ва ташкилотларда икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган, камида бош мутахассис ва иқтисодчи лавозимларида фаолият юритаётган шахслардан танлов асосида танлаб олинади.

**Қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

— йўллаётган ташкилот раҳбарининг тавсиянома-йўлланмаси;
— ариза (мутахассислик кўрсатилган ҳолда);
— олий маълумот ҳақидаги дипломнинг асл нусхаси (рейтинг баллари иловаси билан);
— ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
— меҳнат дафтарчасидан кўчирма;
— № 086 шаклдаги тиббий маълумотнома;
— 3х4 см. ўлчамдаги 6 дона рангли фотосурат.

Ҳужжатларни қабул қилиш 2012 йил 31 августгача Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон банклари ассоциацияси, республика реал секторига кирувчи вазирлик ҳамда идоралар, республика бирлашмалари ва хўжалик юритувчи субъектлар орқали амалга оширилади.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан кўрсатилади.

Академияга кирувчилар учун 2012 йил 3 сентябрдан 8 сентябргача кириш тестлари юзасидан консультациялар ташкил қилинади.

Танлов академиянинг қабул комиссияси томонидан рейтинг тизими бўйича суҳбат ва компьютерда тест синовлари натижалари асосида (мутахассисликлар бўйича алоҳида) ўтказилади.

**Ўқиш 2012 йил 2 октябрдан бошланади.**

**Манзил: Тошкент ш., Ҳамидулла Орипов к., 16-уй. Тел.: (8-371) 237-54-53. Факс: (8-371) 237-50-11. Веб-сайт: www.bfa.uz, e-mail: info@bfa.uz**

1247R/942


## Танлов

*Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар саройида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловининг Мудофаа вазирлиги тизимидаги якуний босқичи ҳамда Умумармия қўшиқлар фестивали бўлиб ўтди.*

### Ғолиблар аниқланди

Ҳакамлар ҳайъати ғолибларни аниқлашда иштирокчиларнинг саҳна маданияти, куй ва матннинг ўзаро уйғунлиги, ижро маҳорати каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратдилар.

Унга кўра, ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги профессионал ижро йўналишида Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли, саф қўшиқлари йўналишида ушбу жамоа яккахон хонандаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, захирадаги подполковник Марат Ҳакимов, лирик ва эстрада қўшиқлари йўналишида эса шартнома бўйича ҳарбий хизмат оддий аскари Обид Йўлдошев ғолибликни қўлга киритди. Энди улар танловнинг республика босқичида ўз иқтидорларини намойиш этадилар.

Тадбир сўнгида ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Шаҳина ЖЎРАЕВА.**

# Тасвирларда юрт тараннуми

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, жамиятдаги нуфузини юксалтириш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилаётгани, бу эса аёлларимизнинг истеъдод ва имкониятларини кенг намоён этишларида муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидладилар.

Маълумки, Зулфия номидаги Давлат мукофоти иқтидорли қизларга адабиёт, маданият, спорт, санъат, фан ва таълим йўналишларидаги ютуқлари учун бериб келинмоқда. Бугунги кунга қадар мамлакатимиздаги 182 нафар истеъдодли қиз турли йўналишлар бўйича ушбу мукофотга сазовор бўлди. Айни пайтда уларнинг аксарияти ўз йўналиши бўйича ижтимоий ҳаётимизнинг турли жабҳаларида фаолият олиб бормоқда. Кўргазмадан тасвирий ва амалий санъат йўналишида мазкур нуфузли мукофотни қўлга киритган иқтидор соҳибаларининг мустақиллик шарофати билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, янгиланишлар, гўзал табиатимиз ва юртимиздаги бунёдкорлик ишларини улуғловчи машқлари ўрин олган. Улардан бири қорақалпоғистонлик Айнура Сапекеевадир. У нафақат юртимизда ўтказилган танлов ва кўргазмалар, балки хорижда, хусусан Ҳиндистон, Японияда бўлиб ўтган халқаро болалар расмлари кўргазмаларининг ҳам совриндоридир.


Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

— Истиқлолимизнинг 21 йиллигига бағишланган ушбу тадбирдан кўзланган мақсад ютуқларимизни кўз-кўз қилиш эмас, — дейди Айнура Сапекеева. — Балки бизнинг янада фаол бўлишимиз, тенгдошларимиз ва барча ёшларни Ватанни севишга, уни қадрлашга ундашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

**Зебо НУРМОНОВА, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси матбуот хизмати мутахассиси.**

## ОБ-ҲАВО (1 август)



| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | | |
|---|---|---|
| +17 +22 | +31 +36 | |

| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | | |
|---|---|---|
| +17 +22 | +33 +38 | |

| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | | |
|---|---|---|
| +18 +23 | +33 +38 | |

| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | | |
|---|---|---|
| +18 +23 | +33 +38 | |

| Бухоро ва Навоий вилоятларида | | |
|---|---|---|
| +18 +23 | +31 +36 | |

| Тошкент шаҳрида | | |
|---|---|---|
| +19 +21 | +33 +35 | |


FIAT INDUSTRIAL
NEW HOLLAND CONSTRUCTION
NEW HOLLAND AGRICULTURE



E 215


TL 100
100 л.с.

*Итальянча сифат*
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
**UzCaseService Tel.: 120-60-97, 120-74-50.**
240R/98



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 66 151 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 21.20 1 2 3 4 5